

## PROBLEMS AND SOLUTIONS IN STUDYING THE MODERN DESIGN OF MUSEUM INTERIORS

D. Sh. Saipova

Lecturer at the Department of Design of the National Institute of Art and Design named after Kamoliddin Behzod. email: dilnoza.saipova.84@mail.ru tel: +99890 9917119 Reform is not for reform, but first of all for man

Sh. M. Mirziyoev

**Abstract:** The project of museums in Uzbekistan combines the ideas of modernity and nationalism, promotes the creative work of people of all ages, including young people, develops their abilities, raises their spiritual and cultural level, and promotes creative design in all its aspects.

**Keywords:** museum, foyer, exterior, interior, design, composition.

**Кириш.** Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек маданий соҳада, шу жумладан, бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Ватанимиз ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиланишлар қаторида юртимизда қурилиш соҳасида жуда кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан мамлакатимизда қад кўтараётган иншоотларнинг барчаси ҳам қўпчиликка маъқул келувчи иншоот деб бўлмайди. Чунки ушбу бинолар биз яшаётган муҳитга ва анъаналаримизга тўғри келмайди. Ҳозирги кунда эса шундай биноларни жуда қўплаб кузатишимиш мумкун. Ушбу бинолар кун сайн гуллаб бораётган гўзал шахримиз кўринишига қайсиdir маънода тўғри келмайди десак муболага бўлмайди. Замонавий бинолар қайси мамлакатда қурилишидан қатъий назар ўша мамлакатнинг миллий анъаналарини, урф-одатлари, меъморликдаги ўзига хос қайтирилмас қирралари билан ажралиб туради. Бино экстерьери билан бир қаторда, бино интерьерларига ҳам шундай талаб қўйилади. Айниқса, жамоат бинолари орасида музей интерьерлари ўзининг тарихий ва тарбиявий аҳамияти билан ёшлилар тарбиясида тўлақонли ижобий натижা беради. Шунинг учун мамлакатимиз хуқумати бунга алоҳида аҳамият бера бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида устувор вазифалар белгилаб қўйилган.[1] Кейинги йиллар давомида музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, республика "Ўзбекмузей" жамғармаси 2002 йил 16 майда "XXI асрда Ўзбекистон музейлари"

мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Музейларни миллий истиқлол ғоясига асосланиб жиҳозланиш ҳолатини ўрганиш ва бу борада уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги 2002 йил 11 июнданги 282-сонли Қарори республикамиздаги барча музейларнинг фаолиятини ўрганишга қаратилди.

**Усул ва услуб.** Юқоридаги хужжатга биноан “Ўзбекмузей” жамғармаси томонидан бир груп етакчи мутахассис олимларни, музейшуносларни жалб этган ҳолда ишчи групни тузилди. Ҳозирда музейлар бўйича янги лойиха ва замонавий дизайнлар концепциялари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.


- ўтган даврлар орасидаги музей лойихаларини ўрганиш;
- таклиф қилинган лойиха;
- амалга оширилган лойиха.

Бу лойихаларни солиширишда албатта ўзгаришларни инобатга олиш ва алоҳида кўриб чиқиши тавсия этилади.

Бугунгача: Ш.Рашидов музейи, Ҳ.Олимжон ва Зулфия музейи, Огаҳий музейи, Тошкент музейи, Маъмун Академияси ва бир қанча бошқа музейлар мутахассислар ҳамда “ZIYNAT DIZAYN” ишлаб чиқариш корхонаси томонидан фойдаланишга топширилди.



1-расм. Таклиф лойиха. Шароф Рашидов музейи 2017 йил



2-расм. Амалдаги Шароф Рашидов музейи 2017 йил

Ўзбекистондаги сиёсий ва маънавий ривожланиш, жамиятни демократлаштириш ислоҳатлари, ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт мамлакатимиздаги архитектура ва қурилиш соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ривожлантириди.[2] Инсон жамиятининг тараққиёти тобора ўсгани сайин замонавий тураг жой ва жамоат биноларга бўлган талаб оша боради, ҳамда қурилиш ҳам ривожлана бориб, қуриш техникалари ҳам такомиллашиб боради, янги қурилиш ашъёлари кириб келади.

Замонавий бинолар шаҳар қурилишида асосий ўринни эгаллагани учун биноларни лойихалаш жараёнинг катта эътибор берилиши лозим бўлади.

**Олинган натижалар.** Юқорида келтирилган бир қанча музейлар мисолида бир-оз фикр юритамиз. Музей бинолари архитектурасида образли ёндашув жуда кам сезилади. Бино архитектураси корхона ёки ишлаб чиқариш муассасига ўхшаб кетади. Сиёсий жараёнлар хаттоки унинг интеръер рангларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Омборлар замон талабига жавоб бермаслиги, композицион ечимлари, стенд ва экспонат жиҳозларида европа дизайнига тақлид қилиниши музей жозибадорлигини пасайишига олиб келади. Интеръердаги умумий яхлитлик йўқолиб қолган. Стентларнинг дизайнни замонавий эмас. Экспонатларга тушувчи сунъий чироқлар ҳам етарли даражада ёритмайди. Музейнинг экстеръер, ҳамда интеръерларидаги қурилиш ашёлари бугунги куннинг ашёлари эмас. Ёзувларнинг хажми томошабинларга ноқулайлик келтириб чиқармоқда. Янги инновацион фикрлар, технологиялардан кам фойдаланилмоқда. Хуллас, ютуқларимиз бор албатта, лекин камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Энди ушбу камчиликларни бартараф қилиш йўлларини ҳам кўриб чиқамиз.

**Хуроса ва таклифлар.** Ёш олимлар, талабаларни музейлардаги замонавий интеръер ечимларини ўрганишда музейларни қайта таъмирлаш, бойитиш жараёнларида иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Музей интеръер дизайннига эътибор давлат даражасида экан, биз педагоглар ҳам бунга бефарқ бўлишимиз керак эмас. Белгиланган мақсадга эришиш учун қуидаги вазифаларни амалга оширишимиз зарур. Музейшунослик (музеология) – бу инсоннинг музейга бўлган ўзига хос хусусиятини, муносабатини ўрганувчи, музей предметлари орқали ижтимоий ахборотларни етказувчи ва сақлаб қолиш жараёнларини тадқиқ этувчи, шунингдек музей иши ривожи ва музей фаолияти йўналишларини ўрганувчи мустақил фан соҳаси хисобланади.[3]

Юртимиз ва хорижий давлатлардаги мавжуд музейлар ва шу каби бошқа муассасаларни меъморий, бадиий ва дизайн ечимини ҳамда ушбу масалага бағишлиланган илмий адабиётлар, мақолалар ва бошқа илмий манбаларни атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш масаласи туради. Бунга кўра музей бинолари экстеръер ва интеръер дизайн ечимларига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш ва қизиқишлирига мувофиқ келувчи замонавий интеръер элементларини излаш муҳим саналади. Музей бинолари самарадорлигини ошишига ҳизмат қиладиган омилларга таяниб, интеръер дизайнни ечимларини ўтказилган амалий тадқиқотга асосланган ҳолда тақдим этиш, ҳамда томошабинларни қизиқтирувчи ва интилиш уйғотувчи оригинал, жозибадор инновацион лойихалар ишлаб чиқилиши лозим.


Мустақиллик йилларида музейларга алоҳида эътибор берилди. Мазкур даврда ташкил қилинган музейлар меъморчилигига анъанавий ва замонавий услублар ўзъаро уйғунликда кўлланилган. Бу жараён нафакат музейлар дизайннида яққол намоён бўлди,

балки экспозиция ва кўргазмалар ташкил қилишда янгича ёндашувни вужудга келиши, халқаро талаблар асосида ривожланишида ҳам долзарб аҳамият касб этди. Натижада миллий руҳдаги замонавий музейларнинг ўзига хос турлари пайдо бўлди.[4] Музей бинолари мақсади ва вазифасига мувофиқ интеръер дизайннида қўлланиладиган дизайн муҳити, фазовий композицион ечим, ёритиш, ранг, стиль ва бошқа таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш, уларни жамлаш, оптималлаштириш ва мақбул ҳолатга келтириш ҳам асосий принциплардан саналади.

Шу кунларда музейшунос олимлар, тарихшунослар, санъатшунослар, дизайнерларимиз республикада музейлар фаолиятини янада яхшилаш масаласида музейларни ривожлантиришнинг маҳсус илмий концепсиясини ишлаб чиқмоқдалар. Яқин беш-ўн йилликларда бизнинг юртимида ҳам бошқа чет мамлакатлардаги инновацион ривожланишлар каби замонавий музейлар, улардаги экстеръер ва интеръер ечими дизайннида туб бурилишлар бўлади деб умид қиласиз. Албатта, бунда миллий қадрияллар, архитектуравий анъаналаримиз замонавий дизайнни яратишида асос бўлиб хизмат қиласиз.



3-расм. Хивадаги Огаҳий уй музейи, таъмирдан олдин.



4-расм. Хивадаги Огаҳий уй музейи, таъмирдан кейин.

Ушбу музей тарих фанлари номзоди, доцент Дармонжон Курязова ва доцент Ойбек Касимовларнинг илмий концепсияси ҳамда дизайн лойиҳалари асосида амалга оширилган.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш чора тадбирлар (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Қарори. 2017 йил 27 марта
3. “Музей иши асослари” ўқув қўлланма Д.Т. Курязова. 2018
4. Темурийлар тарихи давлат музей ива “Қатағон қурбонлари хотираси” ёдгорлик музейларининг бунёд этилиши ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. Аъзамжонов А, Орифжонова Г. Санъат-ёшлар нигоҳида IV жилд Илмий-амалий конференция. Тошкент 2016. 26-бет.